

ОҚСОКОЛ

(Шеър)

Қадим замондамас, бизнинг замонда,
Ўзга томондамас, бизнинг томонда,
Бир ҳапгома содир бўлди — ғаройиб,
Чиндан-да ғаройиб, чиндан ажойиб.
Омой муаллимнинг йўғи-ю бори,
Бор эди ўртача битта кўчқори.
Юртчилик, ажралиб қолмай деб кўпдан,
Тўй учун кўчқори» боқарди кўпдан.
Дунёда кўптими қиёмат қойим,
Фалокат оёқнинг остида дойим.
Охур адоғида бир хум турарди.
Унда ем бор эди — кўчқор кўрарди.
Бир куни кўчқорвой узди ипини
Ва хумга бошини тикди тепиниб.
Кулиб, ҳам ўртаниб ёзмай нетайин,
Бу масал қизиғи бошланди кейин.
Дунёда кўнгли кенг эшиғи торнинг,
Хумдан боши чиқмай қолди кўчқорнинг.
Қошига югурди муаллим Омон.
Ушлади... уринди... бош хумда ҳамон!
Пайдо бўлди зумда куни-кўшнилари,
Маслаҳатгўй чиқиб қолди яхшилари:
— Эй, чақир, маҳалла оқсоқоли бор,
У ахир оқсоқол, доно-ю донгдор.
Ҳар қандай чигал иш унга чикора,
Осмон тушиб кетса, топгуси чора.
Хуллас, оқсоқолни келдилар олиб,
«Сўйингиз!»— буюрди у кела солиб.
Қассоб ҳам топилди ўша палласи,
Бўйнидан узилди кўчқор калласи.
Қонига бўялиб танаси бир ён,
Шурликнинг боши-чи, хумдадир ҳамон!
Оқсоқол ғазоби кўзғади... Деди:
- О, лаънати хумни синдиринг энди!..
Кўчқордан айрилиб, айрилиб хумдан,
Мол аччиғи, Омон йиғлади чиндан.
Бундай оқсоқоллар кўпайса агар,
Юртга ёв керакмас, дейман-да, жигар!

2000 йил

ЭПИГРАММА

(Шеър)

Разил тўда! Жуда ёмонсан,
Очофатсан, маккор илонсан.

Ўйлаганинг молу мулк фақат
Ва пинҳона айшу ишқ, ишрат.
Сенга керак эмас Ватан, халқ,
Сен ўзингча доим баланд, ҳақ.
Мансаб нима? — У ҳимоядир,
Саҳродаги дарахт — соядир.
Қариндошинг теварагингда,
Қариндошинг теварагингда.
Хеш-ақрабо битта тўдасан,
Бир маҳалла, куда-андасан.
Ёлғиз отдай чиқармай чангин,
Ямлаб бўлдинг Давлатнинг ярмин!
Не оқиллар тортадир жабр,
Нима қилгай, қилгайдир сабр.
Дерлар: Бир кун билгайдир холиқ,
Холиқ билса - билгай халойиқ.
Кунинг туккан, бу кунинг ўтар,
Йиққанларинг зардобдек йитар.
Юзингни бир кўрса, дейман, юрт,
Ўзингни бир кўрса, дейман, юрт!
Аммо сенинг юзгинанг ҳам йўқ,
Эртайингда ўзгинанг ҳам йўқ!

**Шоир Азим Суюннинг
“Муҳаббат ҳайратлари”
китобидан**